*Нуқтаи назар*

# БИР ЁҚЛАМА ШАРТНОМА

## ундан кимлар манфаатдор

Вилоят хўжалик судида кўриб ҳал этилаётган низолар аксарият ҳолларда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартнома тўлов интизомининг бузилиши оқибатида келиб чиқмоқда. Вилоят суди томонидан 2002 йил давомида кўрилган ер, сув, минерал ўғитлар ва техника воситаларидан фойдаланишга оид низолар таҳлил этилганда, бу тоифадаги 51 та иш бўйича судга тақдим этилган шартномалар амалдаги қонун талаблари асосида расмийлаштирилмаганлиги аён бўлади. Шартномаларда тўлов тартиби, муддати, маҳсулот етказиб бериш усули, маҳсулот сифати, шартномаларни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш тартиби аниқ кўзда тутилмаган. Бундан ташқари, меъёрий ҳужжатларда аксарият ҳолларда монопол мавқега эга бўлган ташкилотлар томонидан шартнома талаблари бажарилмаса, мулкий жавобгарлик белгиланмаганлиги аниқланди. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилаётган шартномаларнинг қонун талабларига мувофиқ келмаслигига асосий сабаб, аввало айрим раҳбару мутахассисларнинг ҳуқуқий билими етарли эмаслиги, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга малакали юрист хизмат кўрсатмаслигидандир.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун вилоят хўжалик суди томонидан телевидение, радио ва рўзномаларда чиқишлар қилинмоқда. Бундан ташқари, 400 дан ортиқ маъруза ва суҳбатлар уюштирилди, 300 дан зиёд сайёр суд мажлислари ўтказилди. Натижа ёмонмас. Кишиларнинг ҳуқуқий билими ошаётганлиги кун сайин сезиляпти. Буни судга тушаётган даъво аризалари мисолида яққол кўриш мумкин. Мисол учун вилоят хўжалик судига хусусий тадбиркор Ғайрат Эргашев даъво аризаси билан мурожаат этди. У хусусий тадбиркор Олим Мирзаевнинг қарзини «Қўқон қурилиш маҳсулотлари» МЧЖдан ундириб беришни сўраганди.

Масала синчиклаб ўрганилди. Ўзбекистон Фуқаролик Кодексининг 23-боби талаблари асосида О.Мирзаевнинг қарзи жавобгардан ундирилди. У мушкулини осон этган ҳамкасби, ҳуқуқий саводхон Ғ.Эргашевдан ғоятда миннатдор.

**У.БАҲРИЕВ,**
**Фарғона вилоят хўжалик суди раиси вазифасини бажарувчи.**

# АДОЛАТГА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАБ

***Ўн йил аввал ташкил этилган ва бугунги кунга келиб мустақил суд ҳокимиятининг муҳим тармоғи сифатида шаклланган хўжалик судлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Ўтган давр мобайнида хўжалик судлари иқтисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаб бориб, ҳуқуқий демократик жамиятда низолар фақат одил судлов йўли билан ечилиши лозимлиги принципини амалда татбиқ қилдилар ва бу кишиларда адолатга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Бунинг далилини хўжалик судларига келиб тушаётган аризалар сонининг ортиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин.***

Агар 1995 йилда республика хўжалик судлари томонидан 11.700 та низо кўрилиб, даъвогарлар фойдасига 1,2 миллиард сўм ундирилган бўлса, 2000 йилда жами 33.347 та низо ўрганиб чиқилди ва даъвогарлар фойдасига 99,3 миллиард сўм маблағ ундириб берилди. 2001 йилнинг саккиз ойи мобайнида эса 21.105 та низоли иш кўрилган ва даъвогарлар фойдасига 108.08 миллиард сўм ундирилган.

Давлатимиз томонидан хўжалик судлари қарорлари ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда. «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон билан мулк шаклидан қатъи назар давлат органлари, корхона, ташкилотлар ҳамда уларнинг раҳбарлари томонидан хўжалик судларининг қарорларини ўз вақтида, аниқ ижро этилиши механизми яратилди ва мансабдор шахслар жавобгарлигини ошириш йўллари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эса хўжалик судлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда ғоятда қимматли ҳуқуқий ҳужжат бўлмоқда.

Хўжалик судлари фаолиятида янги тушунча – «банкротлик институти» пайдо бўлди. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида банкротликни тўғри тушуниш, унга оид ҳуқуқий меъёрларни амалиётга тўғри татбиқ этиш иқтисодиётни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамияти беқиёсдир. Фуқароларнинг қонунларга нечоғлик амал қилиши уларнинг, аввало шу қонунларни қанчалик яхши билишига боғлиқдир. Буни яхши англаган ходимларимиз ҳуқуқий тарғибот масаласига катта эътибор бермоқдалар. Турли корхона ва ташкилотларда малакали судья ва мутахассисларимиз долзарб мавзуларда учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказишмоқда, маърузалар қилмоқдалар. Суд мажлисларини жавобгар ёки даъвогар корхонанинг ўзида ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Олий хўжалик судининг нашри «Хўжалик ва ҳуқуқ» – «Хозяйство и право» журнали нафақат мамлакатимизда, балки МДҲ давлатларида ҳам ўз ўқувчиларига эга. Унинг саҳифаларидаги халқаро ва мамлакатимиз қонунчилигига оид ҳужжатлар, чет давлатларнинг суд соҳасидаги тажрибалари акс эттирилган материаллар, мутахассислар, таниқли ҳуқуқшунос олим ва амалиётчиларнинг таҳлилий мақолалари, хўжалик судларида кўрилаётган аниқ ишлар тафсилотининг кенг ёритилиши кўпчилик учун амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

«Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари» газетаси ҳам бевосита хўжалик судларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг минбарига айланди.

Олий хўжалик судида яқинда ташкил этилган Қонунларни мужассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлими ҳуқуқий тарғибот ишларини янада жонлантирди. Унинг таркибида ташкил қилинган Олий хўжалик суди Матбуот марказининг фаолияти ҳам хўжалик судлари томонидан амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга қаратилган.

Бугунги ўзгаришлар, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар ходимлар малакасини мунтазам ошириб боришни тақозо этади. Олий хўжалик судида ташкил этилган «Хўжалик ҳуқуқи» ўқув маркази тизимимиз ривожига, кадрларимиз салоҳиятининг ўсишига камарбаста бўлмоқда.

Хўжалик судларининг мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, давлатнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшаётганлиги, фуқаролар, корхоналар, муассасалар ҳамда иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутган тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини одил судлов орқали муносиб ҳимоя қилаётганлиги фахрлидир.

Бироқ ҳали фаолиятимизда айрим камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам борки, уларни бартараф этиш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

**М.АБДУСАЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси.**

# ХЎЖАЛИК СУДИ ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА

## ҚОНУНГА ТАЯНГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

Хусусий тадбиркор Ғайрат Султонов билан «Ўздипқурилиш» ташқи ишлаб-чиқариш бирлашмасининг 2-таъмирлаш қурилиш бошқармаси ўртасида 2001 йил 1 ноябрда шартнома имзоланди. Шундан сўнг Ғ.Султонов 2.290.000 сўмлик металл маҳсулотларини бошқармага жўнатди. Аммо у тараф ҳисоб рақамида пули йўқлигини рўкач қилиб, тўловнинг бир қисмини ўтказди. Бундан норози бўлган тадбиркор шаҳар хўжалик судига мурожаат қилди. Суд қарзни ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Бироқ Ғ.Султонов яна судга даъво аризаси киритиб, жавобгардан қарзнинг тўлови кечиктирилганлиги учун устама жарима (пеня), адвокат хизмат ҳақи, давлат божи ҳамда почта харажатларини ундириб беришни талаб қилди.

Судья С.Абилов ишни синчиклаб ўрганди. Материалларни текшириб таҳлил қилди. Сўнг Хўжалик Процессуал Кодексининг 95, 135, 138-моддалари асосида суд ўз қарорини чиқарди. Шундай қилиб, Ғ. Султоновнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилди. Унинг фойдасига «Ўздипқурилиш» ташқи ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-таъмирлаш қурилиш бошқармаси ҳисобидан тўрт юз йигирма икки минг беш юз сўм устама (пеня), йигирма икки минг тўққиз юз етмиш сўм давлат божи ва икки минг сўм почта харажатлари ундирилди.

**К.СОИПОВА,**
**Тошкент шаҳар хўжалик суди ходими.**





Наманган вилоят хўжалик судида меҳнаткашлардан тушаётган даъво аризалари ўз вақтида кўриб чиқилиб, адолатли ҳал этилмоқда.

***Суратда: суд жараёнидан лавҳа.***

Хўжалик судлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Бундай ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалаларига бағишланган мулоқот ғоят қизиқарли ўтди.

# ҚАРЗЛАР ҚОПЛАНДИ

Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш мақсадида бултур бир ярим мингта корхонага нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилди. Иқтисодий инқирозга юз тутган 1250 та корхона банкрот деб эътироф этилди.

Иқтисодий соғломлаштириш мақсадида 46 корхонага суд томонидан ташқи бошқарув жорий этилганди. Бундай амалиёт ўзини оқлаяпти. Эътиборлиси шуки, банкрот тартиботи қўлланилган корхоналарнинг 102 таси хўжалик суди жараёнида ўзларининг муддати ўтказиб юборилган қарзларидан қутулганлиги сабабли ишлар тугатилди. Шунингдек, мулкининг қиймати 2,5 миллиард сўмни ташкил этган 1080 та корхона тугатилиб, давлат реестридан чиқарилди. Уларнинг мол-мулки биржа ҳамда аукционларда сотиш йўли билан бюджет ва кредиторлар олдидаги 2 миллиард сўмга яқин қарзлари қопланди.

Хўжалик судлари ҳар бир масалага қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда одилона ва ўта талабчанлик билан ёндошишмоқда. Ҳаётда нималар бўлмайди. Шартнома ва тўлов интизомини сурункали равишда бузаётган ва бошқа кўринишдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларини юзага келтираётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бултур бундайларга нисбатан 108 та жиноий иш қўзғатилди. Уч мингдан зиёд раҳбар ва мансабдор шахсдан республика бюджетига 60 миллион сўм маъмурий жарима, икки мингдан ортиқ мансабдор шахснинг чўнтагидан корхона, ташкилотларга етказилган 44 миллион сўмлик моддий зарар ундириб олинди.

**Ш.НОРҚЎЗИЕВА.**

# ТАДБИРКОР

## фойда ўрнига зарар кўрса...

Жиззах вилоят хўжалик суди тадбиркорлар манфаатини қатъий туриб ёқламоқда. Масалан, «Тадбиркорбанк»нинг Учтепа бўлими мансабдор шахслари айби билан Жиззах туманидаги «Акбар» фермер хўжалиги розилигисиз 480 минг сўмлик маблағ бошқа корхоналар ҳисоб рақамига ўтказиб юборилган.

Вилоят хўжалик судининг қарорига кўра фермер хўжалиги манфаатлари тўла тикланди. Асоссиз ўтказиб юборилган маблағ ва етказилган зарар банкдан ундирилди. Айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

«Асакабанк»нинг вилоят бўлими ҳамда Зарбдор туманидаги Й.Қурбонов номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарларининг «ҳотамтойлиги» оқибатида «Танги» фермер хўжалигининг 313 минг сўмлик маблағи сохта ҳужжатлар асосида Й.Қурбонов номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига ўтказиб юборилган. Иш синчиклаб ўрганилди.

Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан фермерлар талаби қаноатлантирилди. Айбдор шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Иқтисодий соҳада қонунбузарликнинг олдини олиш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида низоларни ҳал этишда хўжалик судларининг маҳаллий ҳокимият, прокуратура, давлат солиқ идоралари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Шундан келиб чиқиб вилоят ҳокимининг ташаббуси билан иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида республикада илк бор тажриба тариқасида муқаддам амалда бўлган ширкат, жамоа хўжаликлари қайта ташкил этилиб, деярли барча қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар узоқ муддатли ижара шартномасига асосан фермер хўжаликларига берилди. Айни пайтда вилоятда 11 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Жамоа, ширкат хўжаликлари базасида фермер хўжаликларининг ихтиёрий бирлашмалари сифатида уларга моддий-техникавий, агротехника, агрохимия ва бошқа хизматларни кўрсатувчи, шартномаларни тузиш ва бажарилишини таъминлашга кўмаклашувчи агросервис марказларининг ташкил этилаётганлиги муҳим қадам бўлди.

Бу тадбирлар ерга муносабатнинг ўзгаришига, қишлоқда мулкий муносабатларнинг ривожланишига, бошқача айтганда, оддий деҳқоннинг ўз меҳнати натижаларидан кўпроқ баҳраманд бўлишига имкон бермоқда. Вилоятда фермерлик ҳаракатининг ривожланиши, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан фермер хўжаликлари ўртасида тўғридан-тўғри шартномага асосан хизмат кўрсатиш йўлга қўйилганлиги сабабли ўтган йили 12,5 минг тонна дизел ёқилғиси, 2,5 тонна бензин ва 2 минг тоннадан ортиқ уруғлик тежалди.

Давр хўжалик судлари олдига янги вазифалар, талаблар қўймоқда.

Вилоят хўжалик суди томонидан ўтган йилда биргина ерни ижарага бериш, ердан фойдаланишга оид 800 дан ортиқ низо кўриб чиқилди. Ерни узоқ муддатга ижарага олган кўплаб фермер хўжаликлари давлат буюртмасига кўра ғалла ва пахта маҳсулотлари етиштириб, ўзларининг шартномавий режаларини уддалаяптилар. Бироқ баъзи фермерлар ердан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб, «Ер тўғрисида»ги қонун талабларини қўпол равишда бузишмоқда. Шунинг учун ҳам вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари асосида улар билан тузилган шартномалар бекор қилиниб, ер майдонлари қайтариб олиняпти.

Бундан ташқари, янгидан ташкил этилган фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий бўғинини ташкил этади.

Шу сабабли вилоят хўжалик суди қошида тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Ўқув маркази ташкил этилди. Марказда фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ўқитиш ишлари бепул. Фермер хўжалиги ўз фаолиятини юритиш ниятида ўнлаб корхоналар билан шартномавий муносабатларга киришади. Аммо шартноманинг ҳуқуқий оқибатини тўла-тўкис тушунмаслиги натижасида ўртада низо келиб чиқади. Шартноманинг юзаки, сифатсиз тузилиши деҳқон ва фермерларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чеклабгина қолмай, балки низони ўз фойдасига ҳал этиш имконидан ҳам маҳрум этади.

Шунингдек, контрактация шартномаларини қайта-қайта тузиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш инспекциясида рўйхатдан ўтган шартномалар қонуний асосларда бекор қилинмасдан туриб, тайёрлов корхоналари янгитдан бошқача шартларда контрактация шартномалари тузмоқдалар. Бу ҳолат эса ўз навбатида шартнома интизомига салбий таъсир кўрсатиб, кўплаб низолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, Мирзачўл туманидаги «Янгийўл» фермер хўжалиги билан Дўстлик дон маҳсулотлари корхонаси ўртасида 2001 йил 17 октябрда давлат эҳтиёжлари учун дон харид қилиш шартномаси имзоланган ва унинг бажарилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан рўйхатга олинган. Шартномага кўра тайёрловчига 25 тонна дон маҳсулоти топширишга келишилган.

Бироқ мазкур шартнома бекор қилинмасдан туриб тайёрловчининг талаби билан 2002 йил 17 февралда тарафлар ўртасида иккинчи контрактация шартномаси тузилган. Унда 10 гектар ердан 45 тонна дон олиниб, шундан тайёрловчига 29 тоннасини топшириш кўзда тутилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, дон маҳсулотлари етказиб беришга оид контрактация шартномаларининг аксариятида асосий шартлар кўзда тутилмаган.

Масалан, Зомин тумани Дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси билан Омон Қаршибоев, Улуғбек Қаршибоев, Ҳазрат Қушаев номли фермер хўжаликлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларида шартнома рақами, унинг тузилган вақти, топшириладиган ғалла миқдори, банк реквизитлари тўлиқ кўрсатилмаган.

Қайд этилган шартномаларнинг қонун талабларига мувофиқ эмаслиги кўриниб турса-да, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан рўйхатга олинаверган.

Фермер хўжаликларининг бир маромда ишлаши биринчи навбатда уларнинг ёқилғи мойлаш материаллари, ўғит, уруғликлар ҳамда сув, газ, электр энергияси билан ўз вақтида таъминланишига ҳам боғлиқдир. Шунга оид лойиҳалар асосан тайёрловчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилаётганлиги боис уларнинг ҳукмрон мавқеи сақланиб қолмоқда.

Деҳқон, ширкат ва фермер хўжаликларининг МТПлар, «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмалари билан муносабатларида ҳам муаммолар мавжуд. Кўп ҳолларда бу корхоналар билан шартномалар тузишда кўрсатиладиган хизматларнинг тури, муддати аниқ кўрсатилмаяпти. Ҳосилни ўриш муддатлари аниқ белгиланмаганлиги боис деҳқон ва фермер далаларига техникалар энг сўнгги навбатда бериляпти. Бу ўз навбатида нохушликни келтириб чиқаряпти, фермер фойда ўрнига зарар кўряпти. Пировардида тарафлар ўртасидаги низо суд муҳокамасигача етиб келаяпти.

**К.СИНДАРОВ,**
**Жиззах вилоят хўжалик суди раиси.**

**Саҳифани тайёрловчи: Ш. ИСКАНДАРОВА, «Ишонч» мухбири.**

